

АЖИНИЁЗ ЛИРИКАСИННИГ ПОЭТИК МАҲОРАТИ

*Қорақалпоқ давлат университети
қорақалпоқ адабиёти кафедраси доценти
(Phd) Тоқимбетова Гулбахар Абатбаевна*
gulbaxartokimbetova@gmail.com
+998(90)5938480

Аннотация: Ушбу мақолада XIX аср қорақалпоқ адабиётида Ажиниёз шоирнинг лирик асарларининг жанрий, ғоявий-бадий хусусиятлари, образ яратиш усуллари каби масалалар тадқиқотчилар назарида ўрганилган. Асосан, шоир лирикасидаги бадий тасвир воситалари ҳамда шеърятга хос баъзи хусусиятларни махсус тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: лирик жанрлар, демоктарик ғоя, шеърят, поэма, фалсафий лирика, дидактик ғоя, давр ва муҳит.

Abstract: In this article, issues such as genre, ideological and artistic features of the lyrical works of the poet Ajiniyaz, methods of image creation in the Karakalpak literature of the 19th century are studied from the perspective of researchers. Mainly, the tools of artistic imagery in the poet's lyrics and some features specific to his poetry are specially studied.

Key words: lyrical genres, democtaric ideya, poetry, poem, philosophical lyric, didactic ideya, era and environment.

XIX аср қорақалпоқ адабиёти лирик жанрлари ғоявий-бадий хусусиятлари етарли тадқиқ этилмаган. Иккинчидан, бу давр адабиётига хос масалаларни тасвирлаган Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва Ўтеш асарлари қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги тарихий шароит бадий инъикоси ҳисобланади. Зеро, мазкур ижодкорлар асарларида тарихий аср аҳволи ёрқин акс этирилди. Шунингдек, бу аср халқ тарихидаги энг қийин давр бўлиш билан бирга демократик ғоялар ривожланган, миллий озодлик курашларга тўлиқ давр ҳисобланади.

XIX аср қорақалпоқ адабиёти мана шундай тарихий давр ва вазиятда шаклланди. Ушбу ҳодисалар асосида ғоявий ва бадий жиҳатдан ривожланиб борди. Бундай ривожланишнинг сабаби Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётининг таъсири, асосан, қорақалпоқ шоирларининг Хива ва Бухоро мадрасаларида таълим олиши, адабий ва маданий алоқада бўлиши билан боғлиқ кечади. Шарқ адабиёти анъаналари Ажиниёз шеърятига андоза бўлиб хизмат қилади. Шоир ижоди жанрий ранг-баранглиги билан XIX аср адабиётидагина эмас, балки қорақалпоқ адабиётида ҳам алоҳида ўринга эга.

Олим Нажим Давқараев “Қорақалпоқ адабиёти тарихи очерклари” номли тадқиқотида Ажиниёз лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятларини таҳлил қилади. Хусусан, лирикасида завқу шафқ, ишқ, эрк ва озодлик, собит қадамлик каби турли мотивларни халқчиллик кўринишлари билан алоқадорликда ўрганилади. Айниқса, шоирнинг ишқий лирикаси мукамал таҳлил қилинади.

“Бўзатов” поэмаси сюжетини тарихий воқелик билан қиёсий таҳлил қилган олим, шоирни юксак ватанпарвар сиймо сифатида эътироф этади. Шу маънода, Ажиниёз шеъриятида янги лирик шаклларнинг вужудга келиши, қорақалпоқ адабиётида янги адабий ҳодиса сифатида баҳолаган. Н.Давқараев Ажиниёз адабий меросини мавзувий жиҳатдан ҳам атрофлича тадқиқ этади.

Адабиётшунос Қ.Байниязов шоир асарларини лирики ва поэма сифатида икки катта жанрга ажратган ҳолда кичик шеърий шаклларни ишқий, фалсафий ва сиёсий лирика сифатида таснифлайди. Олим тадқиқотларида шоир ишқий лирикаси жанрий хусусиятлари аниқ асосланмаган. Мазкур мавзунини махсус ўрганган олим, асосан, шеър мазмунига эргашиб кетади. Фалсафий лирикага эса Ажиниёзнинг “Керак”, “Бўлмаса”, “Элларим бордир”, “Бордур”, “Чикди жон”, “Айрилса”, “Қадридан”, “Салом дегайсан”, “Элни кўрар кун бормикан?” каби шеърларини киритади. Қ.Байниязов “шоирнинг мазкур жанрга мансуб асарларида оламнинг яратилиши ва унда инсоннинг тутган ўрни ва аҳамияти хусусида муносабат билдиради” – дея ёзган эди [Байниязов, 1977: 61]. XIX аср 50-60 йилларида ёзилган “Керак”, “Бўлмаса”, “Айрилса”, “Элларим бордир”, “Бўлур” каби шеърларини ижтимоий мавзуга мануб кўради. Ижтимоий мавзулар қаламга олинган “Керак” шеъри қорақалпоқ мумтоз шеърияти учун аҳамиятли ҳодиса сифатида баҳоланади. Аниқ фактларга бой бўлган мазкур тадқиқотда муаммоларга муносабатда илмий-назарий таҳлиллар маромига етмайди. Аксарият ҳолларда мунозарали масалалар муаллифнинг субъектив муносабати сифатида кўринади. Ажиниёз асарларини жанрий жиҳатдан таҳлилида аниқ мақсад ва мезонларга асосланиш сезилмайди.

Адабиётшунос А.Муртазаевнинг “Шоир муҳаббати” адабий тадқиқотида Ажиниёз лирикаси бир неча мавзуларга ажратиб ўрганади.

А.Муртазаев ҳам шоир лирикаси таҳлиliga тарихий-филологик аспектда ёндашади. Бу айниқса, ижтимоий-сиёсий мотивдаги асарлар таҳлилида аниқ акс этади.

Ашық-ярсыз, бүлбил-гүлсиз,
Кийик-шөлсиз, сона-көлсиз,
Зийўар айтур, йуртсыз-елсиз,
Адам бир дийўана мегзер.

[Эжинияз, 1975: 42]

Ошиқ – ёрсиз, булбул – гулсиз,

Кийик – чўлсиз, сўна – кўлсиз,
Зивар айтур, юртсиз-элсиз,
Инсон бир девона мангзар.

Ушбу сатрларда шоир “булбул – гулсиз”, “кийик – чўлсиз”, “сўна – кўлсиз” каби характердаги поэтик муқоясаларда ижимоий тенгсизлик англашилади. Негаки, улар шоир наздида асл маънода эмас, инсон тақдирини образлар воситасида ёритиш мақсадида қилинган [Муртазаев, 1988: 38]. Юқорида эътироф этилган Қ.Байниязовнинг “Шеър қудрати” китобидаги мавжуд камчиликлар А.Муртазаев тадқиқотида ҳам учрайди. Шунингдек, ажиниёзшунос олим К.Мамбетовнинг “Ажиниёз” илмий очерки, Б.Қалимбетовнинг “Ажиниёз лирикаси” илмий тадқиқотларида шоир шеърляти жанрий жиҳатдан тадқиқ этилади. Лекин мазкур тадқиқотларда Ажиниёз ижодини жанрий жиҳатдан аниқ ва тўлиқ таснифлашга эришилмаган.

Ажиниёз поэзияси жанрий ўзига хосликлари анчадан буён адабиётшунослар эътиборини жалб этиб келмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг 60-йиллари Ажиниёз шеърлятида рубоий борми ёки йўқ? деган фикрлар баҳс-мунозарага айланди. Бу масалага ҳозиргача ечим топилмай келган эди. Сўнгги йилларда бу борада, А.Пахратдинов “Рубоийлар”, Г.Есемуратов “Поэзия кўзи билан”, А.Алиев “Рубоий нима?”, Қ.Жаримбетов “Рубоийми ёки тўртлик?” мақолалар эълон қилинди. А.Пахратдинов, Г.Есемуратов, А.Алиев, Ҳ.Ҳамидов, К.Мамбетовлар илмий изланишларида Ажиниёзнинг тўрт мисрадан иборат барча шеърляри рубоий деб қаралади. Масалан:

Қашқалдоққа бир аҳорли мой битса,
Қағиллашиб қўнар кўлин танимас.
Подшоҳнинг давлати гар кетар
Кўзини ёғ босиб, элин танимас.

– мазмунидаги тўртлик мавжуд. Адабиётшунос Б.Қалимбетов ҳам юқоридаги фикрга монанд Ажиниёзнинг “Айрилса” радибли тўртлигини рубоий намунаси сифатида келтиради [Қалимбетов, 1991: 71].

Профессор Қ.Жаримбетов бу фикрларга кесин қарши муносабат билдиради. Олимнинг фикрича, “умуман, қорақалпоқ шеърлятида аруз вазнида ёзилган биро бир рубоий топиш қийи Ажиниёз ва Бердақ ижодидаги тугал мазмун ифодаланган, мустақил тўрт мисрали шеърлар рубоий эмас, тўртлик сифатида қараш лозим” [Жаримбетов, 1999: 35].

Юксак бадиий маҳорат ва тажриба соҳиби, лирик жанрлар моҳиятини теран англаган ва унинг мезонларига қатъий амал қилган И.Юсупов қорақалпоқ мумтоз шеърлятида рубоий ёки ғазал жанр сифатида шаклланган деган фикрларга қўшилмайди. “Ажиниёз, – дея таъкидлайди у аруз шеърлий тизимида

ғазал, рубоий жанрларининг сир-синаотларини билган, албатта. Аммо, шу асосдагина Ажиниёз қорақалпоқ шеърлятида аруз вазни, ғазал жанрини татбиқ этди, деган фикрларни мен асосиз деб ўйлайман. Чунки, шоир ўзи англаб етган барча шеърлий шаклларни ўз ижодига татбиқ этишга уринмайди, балки улардан мақсадга мувофиқ деб билганларидангина фойдаланади. Ажиниёз, Шарқ шеърлятининг юксак гуманистик мазмун касб этувчи имкониятлари, лирик ифодаси, фалсафий муносабат усуллари, қиёслаш тажрибларидан моҳирона фойдаланган. Айни юксак анъналарни кенг оммага тушунарли шеърлий шаклларда ифодалаган ҳолда ўз ижодига татбиқ этган” [Юсупов, 1975: 17].

Адабиётшунос Қ.Жаримбетов рубоий ҳақидаги мавжуд қараш ва мезонларни кенг ўрганган ҳолда таҳлилий муносабатда бўлади. Рубоий деб юритилаётган шеърларни Шарқ шеърлятид аруз мезонлари асосида таҳлил қилган ҳолда аруз вазни қорақалпоқ шеърлятига хос ҳодиса эмаслигини далиллайди. Ажиниёз ижодига хос шеърларни тўртлик деб аташ қорақалпоқ шеърляти жанр табиати ҳамда бадий ўзига хослиги мувофиқ келади, деган хулосага келади. Рубоий ва тўртликнинг жанрий спецификасини тадқиқ қилган таниқли олимлар ҳам рубоийнинг илк намуналари туркий ва форсий тилли халқларнинг қадимий тўртликларидан барпо бўлганлигини эътироф этади [Хамраев, 1968: 158]. Фарқи шуки, рубоий – аруз вазнига асосланган китобий жанр, тўртлик эса, турли вазнларга асосланиши мумкин бўлган эркин жанр.

Ўзбек адабиётшунос олим У.Тўйчиев ҳам ўз тадқиқотларида рубоий ва тўртлик хусусида муносабат билдирар экан, “Тўрт мисрали шеърда рубоий композициясига амал қилинса, аммо у бармоқ вазнида ёзилган бўлса, бундай асар бари-бир тўртлик ҳисобланади” [Тўйчиев, 1993: 198], – дея эътироф этади. Шундай экан, адабиётшунос Қ.Жаримбетовнинг юқоридаги фикрлари аниқ асосларга эга. Баъзи адабиётшунослар рубоий сифатида баҳолаган Ажиниёзнинг “Қасқалдақа бир ағары май питсе” деб бошланувчи шеъри асл бармоқ вазнида ёзилган тўртликдир. Ажиниёз лирик шоир сифатида шеърларида ҳар бир сўзга, оҳанг ва қофияга катта эътибор қаратади. Шоир асарлари тил ўзига хослиги билан XIX асрда яшаб ижод этган бошқа ижодкорлардан фарқ қилади. Ажиниёз ижодига шеърлий нутқ ва структуралар, адабий услубдаги ўзига хослик жиҳатидан илк бор Н.Давқараев томонидан илмий муносабат билдирилди. Адабиётшунос, шоир ижодида араб, форс сўзларнинг бошқа ижодкорларда учрамайдиган муқояса ва ўхшатишлар, кўчма маънолар ифодаси ва моҳиятини изоҳлаган ҳолда уларни индивидуал хусусиятлар сифатида кўради.

Шоир ижодида қўлланилган шеърлий шаклларни қорақалпоқ шеърлятида янгилик сифатида юксак баҳолайди. Дарҳақиқат, Ажиниёз лирикаси шундай таҳсинга муносиб. Ажиниёз ижодида бадийлик масаласи биринчи марта А.Пирназаровнинг “Ажиниёз маҳорати” монографиясида кенг таҳлилга

тортилган эди. Унда олим Ажиниёз асарларидаги араб ва форсий сўзлар ҳамда уларнинг шеърий матнда қўлланилиши моҳияти, шунингдек, айрим қорақалпоқча ва бошқа туркий сўзларнинг қисман ўзгартирилган шаклидаги кўринишларини алоҳида кўрсатган ҳолда мазкур сўзларнинг шеърда муסיқийликни кучайтириш ва товушлар гармониясини содир этилишига таъсирини асослаб беради.

Сўнгра филология фанлари доктори Қ.Султанов эса Ажиниёзнинг лирик қаҳрамон образини яратиш усулларини алоҳида ўрганиб, параллелизм, метофора, эпитетлар каби тасвирий воситаларнинг қўлланилишини таҳлил қилади. Филология фанлари номзоди Б.Генжемуратов шоир лирикасидаги бадий тасвир воситалари ҳамда шеъриятига хос баъзи хусусиятларни махсус тадқиқ этади. Унинг “Ажиниёз лирикаси поэтикаси” монографиясида Ажиниёз ижоди юзасидан қорақалпоқ адабиётшунослигида билдирилган илмий қарашларга муносабат билдирилиб, шоир асарларининг бадий хусусиятлари назарий таҳлил қилинади.

Қадриявий хулқ-атвор инсон шахсининг унга муносабати ва маънавий тафаккури билан узвий алоқада намоён бўлади. Мазкур маънавий компонент Ажиниёзнинг инсон тўғрисидаги қарашлари бутун бир тизимга солинган. Таъкидлаш лозимки, бу тамойил инсоннинг жамият билан муносабати майян талаб ва мезони сифатида қаралади.

Шундай ғоялар бадий талқини Ажиниёз дидактик шеърларида ҳам кузатилади. Шоир ғояларига кўра, инсон болалик чоғиданоқ илм-заковатга интилса, келажакда етук инсон бўлиб шаклланади. Аксинча, “Нопок бўлса, гар фарзандинг – умринг зимистонга ўхшар”, – дея фарзанд тарбиясида ота-оналар масъулиятини алоҳида урғулайди. Шоирнинг “Яхши” деб номланган шеърида “Йўл билмасанг, йўл сўрангиз билгандан”, – дея ҳаётий тажрибага эга инсонлар фикрлари билан ўртоқлашишга чақиради. Мазкур шеърий даъватларда инсонни маънавий руҳлантириб, зулм-зўравонликка қарши курашга чақирилади.

Тўғри йўлни ташлаб эгри юргандан,
Дўст бўлиб дўст сўзидан юз бургандан,
Дўстга қоп-қоп лофу ёлғон ургандан,
Ўн беш яшар аёлни сен бил яхши.

Хулоса қилиб айтганимизда, XIX аср қорақалпоқ шеъриятида дидактик ғоялар ифодаланишида халқ тафаккури, фалсафаси муҳим ўрин тутади. Зеро, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўтеш каби шоирлар дидактик ғоялари, шунчаки илоҳомдан яралган субъектив хаёллардан иборат эмас, улар ҳаётий, бадий асосларига эга. Қорақалпоқ шоирларининг дидактик ғоялари биринчи навбатда, ўзлари яшаётган давр ва муҳит, жамият тартиблари, ҳаётий мезонлар асосида вужудга келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байниязов Қ. Қосықтың күши. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 61.
2. Әжинияз, Таңламалы шығармалар. 1975. –Б. 42.
3. Муртазаев А. Шайырдың мухаббаты. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 36.
4. Калимбетов Б. Лирика Ажинияза. В аспекте поэтического мастерства. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 71.
5. Жәримбетов Қ. Рубайы ма яки төртлик пе? // Вопросы поэтики русской и каракалпакской литературы: Сборник науч трудов. – Нукус, 1999. – Б.35.
6. Юсупов И. Дала орфейи. Әжинияз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1975. – Б. 17.
7. Ҳамраев М. Пламя жизни. О системе стихосложения тюркоязычных народов. – Ташкент, 1968. – С. 158.
8. Туйчиев А. Лирика. Адабий турлар ва жанрлар. Иккинчи жилд. Фан, 1993. – Б. 198.